

ГУЛШАНЛИКЛАР СҮРОВЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Гулшан маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган "Қалби Чин Ота" зиёратгоҳида бўлиб ўтган тадбирда Фарғона тумани ҳокими Шуҳратжон Мўминов ҳудуддаги Гулшан, Бой маҳалла, Дехқонобод, Юқори Гулшан МФЙлари фаоллари билан учрашди.

Туман раҳбари дастлаб ҳудудларида ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, коронавирус пандемияси шароитида фуқароларимиз карантин қоидаларига ҳамда тавсияларига риоя қилган холда туман иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларига алоҳида урғу берди. Самимий мулоқот давомида 4та МФЙларидан ташриф буюрган фаоллар бирин-кетин сўзга чиқишиб, ҳудудлардаги ижтимоий-иктисодий масалалар, ўзларини қийнаётган бир қатор муаммолар ҳақида сўз юритдилар.

- Юқори Гулшан маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Ўрикзор", "Деҳқонобод" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Чорвадор" кўчаларидағи ички йўлларни асфальт қилиш, Юқори Гулшан маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Ҳамкор" ва "Маматқул" кўчаларини тартибига келтириш ҳамда кўчага шағал ётқизиш, Гулшан МФЙ "Маданият" кўчасини суғориш ва тоза ичимлик сувлари билан таъминлаш, Деҳқонобод МФЙда куз-киш мавсумида хонадонларда электр энергияси танқис бўлиши, меъёридан кўп ўчишини олидини олиш масалаларида амалий ёрдам беришларини туман ҳокимидан сўраши.

- Мен Деҳқонобод маҳалла фуқараолар йиғини "Чорвадор" кўчасида яшайман дейди,- Соҳибжон Худойназаров. -Эл бошига иш тушган кунларда туман ҳокимлиги томонидан камбағал оилаларга нақд пул ва берилаётган озиқ -овқат маҳсулотлари чинакам ҳайрли ишдир. Бу эътибордан жуда жуда мамнунмиз. Президентимизнинг мамлакатимизда камбағалликни тугатиш борасида олиб бораётган ташабbusлари беқиёс савобли иш. Уни оддий сўзларда ифодалаш қийин. У кишининг имконияти чекланган оилаларга кўрсатаётган бу каби мурувватли ишларини таърифлай олмайман. Шукр тўрт мужкамиз соғ. Энди биз ҳам қараб турмаслигимиз лозим мен оилавий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман шунга менга амалий ёрдам беришларини сўрайман дейди,- Соҳибжон. - Туман ҳокими томонидан масала шу ернинг ўзида ўз ечимини топди. Деҳқонобод маҳалла фуқаролар йиғини "Чорвадор" кўчасида яшовчи фуқаро Бобомурод Иброҳимовнинг ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш масаласига оид сўровига ҳам амалий ёрдам бериладиган бўлди.

Фаоллар томонидан билдирилган барча таклиф ва сўровлар бажарилиши юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, бажарилиши назоратга олинди. Учрашувда фуқаролар Гулнорахон Мўминова, Ҳавасхон Тўхталиевалар сўзга чиқишиб, Фарғона тумани ҳокимига маъсулиятли ҳамда машаққатли ишларида омад тилаб, ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-07 13:53:35